



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ**

Б У Й Р У Қ

2018 йил 7 декабрь 13-ум-сонли

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси
ва унинг ҳудудий бошқармаларининг локал ҳужжатларини хатлов
(инвентаризация)дан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан қабул қилинган, адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган локал ҳужжатлар, ҳудудий бошқармаларнинг низомлари, бўлимлар ҳақидаги низомлар, мансаб йўриқномалари ва бошқа локал ҳужжатларини тартибга солиш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 май №ПФ-5441-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан қабул қилинган, адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган локал ҳужжатлар, ҳудудий бошқармаларнинг низомлари, бўлимлар ҳақидаги низомлар, мансаб йўриқномалари ва бошқа локал ҳужжатлари хатлов (инвентаризация)дан ўтказилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи бандида кўрсатилган локал ҳужжатларни хатловдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзоларидан иборат қуйидаги таркибда Ишчи гуруҳ ташкил қилинсин:

- Садиков Шухрат Шавкатович – гуруҳ раҳбари;
- Саидов Давронбек Абдиримович – гуруҳ аъзоси;
- Турдалиев Джамшид Джамалович – гуруҳ аъзоси;
- Юсупов Илёс Ходжиакбарович – гуруҳ аъзоси;
- Джураев Аъзам Худайкулович – гуруҳ аъзоси.

3. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг барча ташкилий тузилмалари, Палатанинг ҳудудий бошқармалари, ушбу буйруқнинг биринчи бандида кўрсатилган локал актларни ва ҳужжатларни Ишчи гуруҳга, 2018 йил 14

декабрь кунига қадар электрон ва қоғоздаги нусхаларини тақдим этишни таъминласинлар.

4. Ишчи гуруҳга, 2018 йил 25 декабр кунигача, барча тўпланган локал актлар ва ҳужжатларнинг рўйхатини тузиб, уларни мазмунан таҳлил қилиш ва натижаси бўйича ҳисобот ҳамда таклифлар тақдим этиш вазифаси юклансин.

5. Ушбу буйруқнинг матни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг расмий сайтида ўзбек тилида, таржимаси рус тилида чоп қилинсин.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини таъминлаш Палата раиси ўринбосари вазифасини бажарувчиси Ш.Садиков ва Матбуот котиби С.Салимоваларга юклатилсин.

Палата раиси



А.Эрназаров